

## МАЪДАНЛИ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ДОН ВА СОМОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Жўраев Акмалжон Нормухамадович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти доценти

Эсонова Ойшахон Гофуржон қизи

Тўраев Темур

Тошматов Достонбек

Агробиология факультети талабалари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7443317>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида тупроққа турлича ишлов бериб, уч хил уруғ экиш меъёрларида кузги буғдойни дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсири ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳосил, тупроққа ишлов бериш, ирригация эрозиси, тупроқ зарралари, кузги буғдой, кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар, ўсимликнинг бўйи.

## ВЛИЯНИЕ ДОЗ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ЗЕРНОВУЮ И СОЛОМЕННУЮ ПРОДУКТИВНОСТЬ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ

**Аннотация.** В данной статье освещено влияние различных обработок почвы и трех разных норм высева на зерновую и соломенную продуктивность озимой пшеницы на типичных сероземах Ташкентской области.

**Ключевые слова:** урожайность, обработка почвы, ирригационная эрозия, почвенные частицы, озимая пшеница, толщина всходов, минеральные удобрения, высота растений.

## INFLUENCE OF DOSES OF MINERAL FERTILIZERS ON GRAIN AND STRAW PRODUCTIVITY OF WINTER WHEAT

**Abstract.** This article highlights the impact of various tillage and three different seeding rates on the grain and straw productivity of winter wheat on typical gray soils of the Tashkent region.

**Keywords:** productivity, tillage, irrigation erosion, soil particles, winter wheat, seedling thickness, mineral fertilizers, plant height.

Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлари шароитида 2012–2013 йилларда тупроққа ишлов бериш, уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларини кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосилига таъсири ўрганилди. Бунда асосан тупроққа ишлов беришнинг уч хил усули, маъданли ўғитлар ва уруғ экишнинг уч хил меъёрлари қўлланилиб тадқиқотлар олиб борилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ғўза қатор орасига культивация билан ишлов берилиб, гектарига 4 млн.дона уруғ экилган,  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрда маъданли ўғитлар қўлланилган 1–вариантда уч йиллик (32,8–34,3–31,7) ўртача ҳосил 32,9 ц/га бўлган бўлса, ушбу маъданли ўғит меъёрларига кўшимча ўғит берилган ( $N_{200}P_{140}K_{100}$  ва  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га) 2–3–вариантларда кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлиги мос равишда уч йилда ўртача 38,4–44,1 ц/га ни ташкил этди. Бу эса ушбу вариантларда назоратга нисбатан 5,5–11,2 ц/га кўшимча ҳосил олинганлигини кўрсатади. (1-расмларга қаранг).


Кузги буғдойнинг уруғ экиш меъёри гектарига 5 млн.дона қилиб белгиланган, кам меъёрларда ( $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га) маъданли ўғитлар қўлланилган 4–вариантда кузги

буғдойнинг уч йиллик (42,8–40,7–35,3 ц/га) ўртача дон ҳосили 39,6 ц/га бўлган бўлса, маъданли ўғитлар меъёрларини  $N_{200}P_{140}K_{100}$  ва  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га оширилган 5 ва 6–вариантларда кузги буғдойнинг уч йиллик ўртача дон ҳосилдорлиги 43,8–48,2 ц/га бўлганлиги аниқланди.

Кузги буғдойни ғўза қатор орасига гектарига 6 млн.дона меъёрда уруғ экилган 7–8–9–вариантларда ўсимликнинг уч йиллик ўртача дон ҳосилдорлиги маъданли ўғитлар меъёрларига мос равишда 42,9–50,6–54,5 ц/га бўлди. Бу эса ушбу вариантларда назорат вариантга нисбатан ўғитлар меъёрлари ўзгармаган ҳолда ҳосилдорлик 10,0–12,2–10,4 ц/га юқори бўлганлигини кўрсатди. Тажриба даласи чизелланган вариантларда эса гектарига 4 млн.дона уруғ экилган 10–11–12–вариантларда уч йиллик ўртача дон ҳосили маъданли ўғитларга мос равишда 34,7–37,0–40,7 ц/га бўлганлиги аниқланди.

1–расм

Кузги буғдойнинг ўртача уч йиллик дон ва сомон ҳосилдорлиги (Ғўза қатор орасига экилганда).  $НСР_{05}=2,38\%$ .



2013 й  $НСР_{05}=1,30$  ц/га;  $НСР_{05}(A)=0,75$  ц/га;  $НСР_{05}(B)=0,75$  ц/га;  $НСР_{05}(B)=0,75$  ц/га

Кузги буғдойнинг уруғ экиш меъёри гектарига 5 млн.дона қилиб белгиланган ҳамда  $N_{150}P_{105}K_{75}$ ,  $N_{200}P_{140}K_{100}$  ва  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларда маъданли ўғитлар қўлланилган 13–14–15–вариантларда уч йиллик ўртача дон ҳосили 45,0–49,2–52,7 ц/га бўлиб назоратга нисбатан дон ҳосили 10,3–12,2–12,0 ц/га юқори бўлди.

Чизелланган тажриба майдонида уруғ экиш меъёри гектарига 6 млн.дона экилган 16–17–18–вариантларда эса ўғитлар меъёрларига мутаносиб равишда ўртача дон ҳосилдорлиги 36,9–40,9–43,8 ц/га бўлганлиги кузатилиб, назорат вариантга нисбатан 2,2–3,9–3,1 ц/га юқори бўлди.

Дала шудгорланиб сўнгра тажриба қўйилган майдонларда олиб борилган илмий ишлар натижаларини таҳлил қилаганимизда гектарига 4 млн.дона уруғ экилиб, маъданли ўғитларнинг кам меъёри қўлланилган 19–вариантда кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлиги уч йилда (45,6–44,4–37,5 ц/га) ўртача 44,5 ц/га бўлган бўлса, маъданли ўғитлар меъёрлари оширилган ( $N_{200}P_{140}K_{100}$  ва  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га) 20–21–вариантларда ўртача дон ҳосили 54,6–

62,0 ц/га бўлди. Бу эса ушбу вариантларда назорат вариантыга нисбатан ўртача 10,1–17,5 ц/га қўшимча дон ҳосили олишни таъминлади. Шудгорланган далада экиш меъёри гектарига 5 млн.дона бўлганда уч йиллик ўртача дон ҳосили маъданли ўғитлар меъёрларига мос равишда, яъни 22–23–24–вариантларда 44,1–51,1–58,3 ц/га бўлган бўлса, уруғ экиш меъёри гектарига 6 млн.дона қилиб белгиланган 25–26–27–вариантларда кузги буғдойнинг ўртача дон ҳосили 43,5–47,8–48,2 ц/га бўлганлиги аниқланди.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, дала шудгорланиб, гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилганда, 4 млн.дона уруғ экилган вариантларга нисбатан уч йиллик ўртача дон ҳосили 15,5–16,0–20,6 ц/га кам бўлди. Бунинг асосий сабаби шудгорлаб экилган вариантларда маъдан ўғитлар ҳамда уруғ экиш меъёрлари ортган сари ўсимликларни бўйи ўсиб кетганлиги ва танаси нимжон бўлиб шаклланганлиги хисобига поялар ётиб қолиб, маҳсулдор поялар сони кескин камайиб кетишига олиб келди.

## REFERENCES

1. Жўраев А., Хошимов И., Маъданли ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигининг кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири //«Экология хабарномаси» журнали. Тошкент, 2018. №5(205). Б. 16–17. (06.00.00.№2).
2. Эгамов Х., Рахимов А., Турсунов И., Жўраев А., Холмуроджонов Ж., Устойчивость сортов и линий хлопчатника к паутинному клещу //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. - Белгород:2020. 12-14 с.
3. Эгамов Х., Кимсанов И., Рахимов А., Жўраев А.Н, Холмуроджонов.Ж., Вопросы методики селекции и комбинационной способности сортов хлопчатника //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. -Белгород:2020. 15-18 с.
4. Жураев А., Хошимов И. Влияние агротехнологии озимой пшеницы на зерновую плодородность //журнал: «Актуальные проблемы современной науки». Москва, 2018. №4. С. 166–168. (06.00.00.№5).
5. Турсунов Х., Жўраева Х., Жўраев А.Н. The effect of rice sowing on the seedling method for different periods planting pattern and the number of seedlings // Ж. Psychology and education ISSN:00333077 (2021) 58 (1): 5517-5525
6. Жўраев А.Н., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж. Основные агротехнических мероприятияпри возделывание озимой пшеницы // Ж. Science and world international scientific journa. ISSN: 2308-4804. №6(82), 2020. 33-б.
7. Жураев А.Н., Оптимальные элементы агротехнологии при возделывании озимой пшеницы //Международный центр научного сотрудничества «Приоритетные направления развития науки и образования». Пенза. 2018. С. 69–72.
8. Жўраев А., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж., Пути повшения плодородия почв и урожай озимой пшеницы // Ж. The Way of Science international scientific journal. ISSN: 2311-2158. №6(76), 2020. 21-б.

9. Акмалжон Жураев, Дилнозахон Камбарова, Ортикали Исмоилов, Бурхонджон Очиллов, Влияние эффективных агротехнологий росту озимой пшеницы // SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal/ ISSN: 2181-3337. №4, 2022. 122-ст.
10. Жўраев Акмалжон Нормухамадович, Қамбарова Дилноза Қодировна, Исмоилов Ортиғали, Кузги буғдойнинг кўчат қалинлиги ва маъданли ўғитлар меъёрларини тупроқнинг ҳажм оғирлигига таъсири // SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal/ ISSN: 2181-3337. №3, 2022. 417 б.